O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 13 APREL
SHANBA
№ 47 (26.906)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни Оқсаройда Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсонни қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингизни жуда қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Уни минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш истагида амалга оширилган тадбир деб ҳисоблаймиз. Зеро 11 сентябрь воқеаларидан сўнг бутун дунёда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, бизнинг минтақамиздаги ўзгаришларнинг суръати баланд.

Ўзбекистон Президенти март ойида АҚШга буюрган расмий ташрифи чоғида Ж.Вулфенсон билан учрашган эди. Орадан кўп ўтмай, Жаҳон банки раҳбари Ўзбекистонга келди. Бу икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан дарак беради.

Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан ҳамкорлигига 1992 йилда асос солинган. Сўнгги йилларда банк мамлакатимиздаги ўнта лойиҳа ижроси учун 494 миллион АҚШ доллари ажратди. Бугунги кунгача мазкур лойиҳаларнинг иккитаси муваффақиятли якунланган.

Ҳар икки йилда мамлакатимиз билан Жаҳон банки ўртасида ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилади. Ўтган ойда банкнинг Директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган 2002-2004 йилларга мўлжалланган галдаги стратегия доирасида Ўзбекистондаги лойиҳаларни молиялаш учун 350 миллион АҚШ доллари ажратиш кўзда тутилмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мавжуд лойиҳаларни ижро этиш жараёни ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Жаҳон банки мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳада тузилмавий ўзгаришларга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорларидан саналади. Ҳар икки йилда ишлаб чиқиладиган ўзаро ҳамкорлик стратегияларига асосан шу кунгача мамлакатимизда ушбу халқаро молиявий муассаса иштирокида кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсоннинг Ўзбекистонга бу галги ташрифи чоғида ўзаро ҳамкорликка оид яна бир келишувга эришилди. Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратилган битим имзоланди. Мазкур шаҳарлардаги сув таъминоти инфратузилмаларини замонавий андозаларга мос ҳолга келтиришга хизмат қиладиган бу ҳужжатга кўра, Жаҳон банки Ўзбекистонга жами 40 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади.

Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси молия вазири М.Нурмуродов ҳамда Жаҳон банки президенти Ж.Вулфенсон имзо чекди.

■ (ЎзА)

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ, ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бу — Олий Мажлиснинг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази, Очиқ жамият институти, Ўзбекистон кўмак жамғармаси, Халқаро тараққиёт ишлари бўйича Департаменти (Буюк Британия элчихонаси), инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази, Каунтер-парт Консорциум ҳамда нодавлат, нотижорат ташкилотлари бўйича ўқитиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ИИНТРАК) томонидан Андижон вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатига мавзу бўлди.

Даврани вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Тиллабоев бошқарди. Олий Мажлис қўмитаси раиси А.Саидов ижтимоий ҳамкорлик механизмлари, тажриба ва истиқболларининг долзарблиги ҳақида сўз юритди.

Нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолияти жамият ривожланишига кўмак беряпти. Ҳозир мамлакатимизда уч юздан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан давлат дастурлари доирасида ижтимоий муаммолар ўрганилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси А.Солиев, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вилоят уюшмаси раиси Т.Қосимова, «Тожметалл» ҳиссадорлик жамияти раиси Ш.Ҳасанов, «Фидо» аёллар уюшмаси раиси Р.Йўлдошева, «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси вилоят бўлими раиси Н.Мамажонов, касаба уюшмалари бирлашмаси раисининг ўринбосари Ғ.Содиқов, тадбиркор аёллар уюшмаси раиси С.Муҳитдиновалар ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БОКС

«ҚИРОЛ КУБОГИ» ТУРНИРИДА

Бангкокда бокс бўйича «Қирол кубоги» анъанавий халқаро турнири поёнига етди. Йигирма бир давлат спортчилари қатнашган мазкур мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси бир олтин, бир кумуш ва учта бронза медалига сазовор бўлди. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда чирчиқлик Икром Бердиев (81 кг.) олтин, фарғоналик Шерзод Ҳусанов (67 кг.) кумуш, Дилшод Маҳмудов (60 кг.), ғазалкентлик Бахит Саксекбоев (63,5 кг.), андижонлик Сергей Михайлов (91 кг.)лар бронза медалларини қўлга киритдилар.

Кеча боксчиларимиз Таиландан қайтиб келишди. Энди улар 25 апрель — 5 май кунлари Истанбулда Аҳмед Кумэд соврини учун ўтадиган анъанавий халқаро турнирда қатнашадилар. Бу мусобақада ўн нафар боксчимиз рингга чиқиши кутилмоқда.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ДИҚҚАТ! ЯНГИ РУКН: ҲИКМАТЛАР ДУНЁСИДА

ТАДБИРЛИ БИР КИШИ ЛОҚАЙД МИНГ КИШИДАН АФЗАЛДИР

Халқимиз тўплаган бой ҳаётий мерос ва улуғ алломаларимиз нафаси билан лутф этилган маржон-маржон ҳикмат дурдоналари асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга ўтиб, диллардандилларга, тиллардан-тилларга кўчиб, менгзаганда ҳадисларга тенг маънавий мулкимизга айланиб кетган.

Улуғ боболаримиз — Беруний, Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур сингари юзлаб буюк сиймолар қолдирган ҳикмат тўла сўзлар мантиғи ҳақида бир мушоҳада қилиб кўринг, маъно-мағзини чақинг.

Улар бугун ҳам биз учун йўл-йўриқ, дарслик ва чироқ. Бугун ҳам биз учун донишона таълим, донишона ўгит. Уларни ўрганмоқ, ҳаётимизга, турмушимизга ва ишимизга татбиқ этмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Айни шу фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, бугундан эътиборан «Ҳикматлар дунёсида» номли янги рукн очишга қарор қилдик. Унинг илк мавзуини Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳикматли сўзларидан бошладик:

«Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир».

Ушбу ҳикматли сўзларни сиз қандай тушунасиз?

Нурмухаммад МУҲАММАДИЕВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент:

— Саволингизни эшитиб, Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» — деган китобини эслаяпман. Унда Юртбошимиз фахр ва ғурур билан: **«Кимгадир ворис керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз»,** деганлар.

Кўрдингизми, халқимизнинг маънавий, иқтисодий қарашлари, уларнинг меросларини ва тарихий томирлари нақадар чуқур, нақадар кўҳна даврларга бориб тақалади. Ҳаммасининг заминида инсон ва унинг манфаатлари, эҳтиёжлари ётади.

Амир Темур салтанати даврига ҳам айни шу нуқтаи назардан қарасангиз, инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳамда ижтимоий озод ва обод турмуш тарзини ифодаловчи эркин иқтисодиётнинг хусусий тармоғига катта эътибор, имтиёз берилганлигининг гувоҳи бўласиз: Хусусий мулкчиликни «Куч — адолатдадир» деган ҳикмат асосида муҳофаза қилувчи талаблар, тартиблар бўлган. Шахсий мулкнинг дахлсизлиги қонунлар билан кафолатланган...

Ана энди, ўтган асримизнинг 90- йиллари бошида истиқлол йиллари бошланган иқтисодий эркинлик жараёнларига ҳам разм ташланг. Шахсан Юртбошимиз раҳбарлигида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга доир энг муҳим масалалар қаторида барчанинг диққат-эътибори иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ривожлантиришга қаратилди. Шундан сўнг энг аввало, тармоқни ривожлантириш учун пухта қонунчилик асослари яратилди. Конституциямизда шахсий мулкнинг дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши қатъий белгилаб қўйилди.

Бошланган бу саъй-ҳаракатлар натижасини ҳозир нафақат эл-юртимиз ёки қўни-қўшниларимиз, балки бутун жаҳон кўриб турибди. Масалан, қишлоқ хўжалигида хусусий тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотлар улуши тобора ортиб бормоқда, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари етакчи ўринга чиқиб олди. Хусусий мулк ва мулкдорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Соҳибқирон назарда тутган тадбиркорлар сони йил сайин кўпаймоқда. 2001 йилда хусусий тармоқ тизимида 63 мингга яқин корхоналар (деҳқон фермер хўжаликлари бу ҳисобга кирмайди) фаолият кўрсатди. Уларнинг 1,5 минги фақат ўтган йилнинг ўзида рўйхатга олинган. Бунинг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасида бўлиб, ҳозир уларнинг ҳар 6 тадан биттаси саноатлашган асосда ишлаб турибди.

Демоқчиманки, эндиликда биз, нафақат жаҳонга машҳур улуғ алломаларимизнинг, балки бобомиз Амир Темур бағоят суйган, эъзозлаган мардлик ва шижоат соҳиблари — ишбилармонларнинг, азми қарори қатъий, лафзи ҳалол тадбиркорларнинг ҳам ворисларимиз.

Муҳаммад Али, — Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Тадбиркор бир киши лоқайд минг кишидан афзал... Нақадар ҳаётий, маъноси теран сўзлар! Зукко, оқил инсоннинг бебаҳо тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ва ҳаёт тасдиғидан ўтган тушунчалар!

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг шарафу шижоатларга тўла ҳаёт йўлини англаб етишда «Темур тузуклари»нинг аҳамияти беқиёсдир. Китобда келтирилишича, пирлари Зайниддин Абубакр Тойбодий Амир Темурга салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилишни кенгаш беради: 1. Кенгаш; 2. Машварату маслаҳат; 3.Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4.Эҳтиёткорлик. «Салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин», дея таъкидлайди пири муршид. Дарвоқе, Амир Темурнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, унинг ўсиб тозлар сўзига амал қилганини ва қатъий сиёсат олиб борганини кўрамиз.

Амир Темур салтанат ишларида, турмушда барчадан тадбиркорлик ва ишбилармонликни талаб қилган. Бу ҳаёт равиши, унга риоя қилмаслик «оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлиш»га олиб келади. «Дунё хиёнатчи хотиндир, хушторлари кўп», дейди Амир Темур ва ўз ноибларига ҳамиша вазиятдан келиб чиқиб иш кўришни уқтираркан.

Ҳаётда, сиёсатда, оилада, фарзандлар тарбиясида тадбиркорлик билан иш кўриш айни муддао. Амир Темурнинг ҳаёти бунга ёрқин мисол. Унда аждодлар, авлодлар, ота-боболар тажрибаси ўз мужассамини топган. Ушбу улуғ ҳаёт тажрибаси Ватанимизда неча асрлардан бери подшоларимиз, улуғларимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Тарихга назар солсак, бунинг гувоҳи бўламиз.

Халқимиз озодликка чиққандан сўнг Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилган сиёсатда айни Амир Темур Кўрагон тажрибаларини кўраман. Мисоллар кўп. Ўтган йили Америка Қўшма Штатларида ҳунрезлик юз берди, жаҳон таҳликада қолди, жуда кўп давлатлар раҳбарлари бундай вазиятда қандай иш кўришни билмай лол қолдилар. АҚШ давлати биринчи бўлиб Ўзбекистонга мурожаат қилди... Бугун Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларининг стратегик ҳамкорига айланди! Бу ерда Президентимизнинг зукко ва тадбиркорлиги, узоқни кўра билиш қобилияти ҳал қилувчи рол ўйнади, бунда буюк Соҳибқирон бобомизнинг бебаҳо ҳаёт тажрибалари қўл келганлиги, шубҳасиз.

Норбой БЕКНОЗОВ, Тошкент давлат юридик институтининг иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, профессор:

— Улуғ бобомизнинг бу сўзлари изоҳга муҳтож эмас. У кўҳна тарихнинг ҳамма даври, ҳамма авлод-аждодлар учун бамисли ойдек равшан, кундек порлоқ, ҳадисдек теран ҳикмат. Шу боиски, мамлакатимиз йўлбошчиси Ислом Каримов ўз нутқлари, асарлари ва ҳатто юртимиз фуқаролари билан бўлган барча учрашувларда ҳар гал буюк алломаларимиз, хусусан, Соҳибқирон Темур бобомиз сўзларини бот-бот эслатадилар.

Юртбошимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида ҳам бобомизнинг иқтисодий ғоялари ва иқтисодий сиёсатини яна бир карра эслатиб ўтдилар. Зеро, Амир Темур даври иқтисодий сиёсати замирида инсон ва унинг манфаати, касб-ҳунар хосияти, тадбиркорлик ва тижоратчилик саъй-ҳаракатлари улуғланади.

«Темур тузуклари»дан олинган мана бу сатрларга эътибор қилинг: «... касб-ҳунар ва маърифат аҳилларига салтанат корхоналаридан улуш берилсин, билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касб-корига қараб йўл тутсинлар...» Ёки «... сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин...»

Яна: «кучи етмайдиган деҳконларга экин-тикин учун уруғлик ва асбоб-ускуналар тайёрлаб берилсин».

Ҳазрат Темурнинг деҳқонлардан олинадиган солиқларни табақалаштиришга оид сиёсати айниқса, диққатга сазовор. Жумладан, бу даврда тушумлар миқдори ер ва иқтисодий шароитларга қараб белгиланиши талаб қилинган. Янги ер ўзлаштириб деҳқончилик қилган деҳқонлардан дастлабки икки йил солиқ олинмаган. Кейинги йил сарфланган сармоянинг қопланиши ва ернинг табиий унумдорлиги ҳисобга олинган ҳолда ҳосилнинг табақалашган 1/4, 1/3, 1/2 нисбатларига кўра солиқ солинган.

Мана, нима учун Президентимиз «Яна ва яна таъкидламоқчиман, биз жамиятимизда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришимиз ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз керак» — деб куюнадилар. Таъбир жоиз бўлса, мен бу куюнишни бобомизнинг ҳозирги кунимиз учун долзарб бўлган юқоридаги ҳикматли сўзларига менгзайман.

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

И. КАРИМОВ:

Алоҳида эътиборимизни талаб қиладиган яна бир масала борки, у ҳам бўлса ичимлик сувни тежаш масаласидир. Якин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қиймат-баҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин.

Ҳар гал Қаршидан Шаҳрисабзга шу кўприкдан ўтаман. Вилоят марказига тортилган улкан қувур ёриғидан дарёга сочилаётган фавворага кўзим тушади. Бу сафар кўприк четига келдим.

Қувурнинг дарз кетган жойидан (атайлаб тешишганми) отилаётган сув зарраларига қўл тутаман. Муздек, хуштаъм.

Нарирокда асфальт корхонаси, кўприк остида эса Қашқадарё саёзланиб оқяпти. Унга кўплаб кичик дарёлар қўшилади.

Шулардан бири Тамшуш бўлиб, денгиз сатҳидан 1,5-2 минг метр баландликда, «Оқдарё» хўжалиги ерларига таралади. Хўжаликнинг дарё соҳилидаги Ҳисорак қишлоғида эса Абдураҳмон Файзиддинов ҳам деҳқончилик қилади. Ҳамқишлоқлари ишониб, уни бригада етакчилигига сайлашибди.

— Президентимизнинг сўзларини телевизордан тинглаб, ҳаяжонланиб кетдим, — дейди у. — Ерни, сувни асраш муаммоси бизнинг бошимизда ҳам бор.

Бултур дарёлару булоқларда сув тортилиб кетди. Тоғ адирлари қурғоқчиликдан қақради.

— Бу йил қандай?

— Етти-саккиз йил орасида бунчалик кўп ёққан қорни кўрмаганмиз, қалинлиги 1-1,5 метрдан ошди. Худо хоҳласа, сув мўл бўлади. Сув —тириклик манбаи, сув — Оллоҳнинг иноятн. Оби ҳаётни қадрлаб, тежаш учун инсоннинг ўзида бўлиш керак. Ақл-фаросати, диёнати бўлмаса бекор.

Абдураҳмон ҳақ гапни айтди, ҳақлиги сувнинг қадрини билишида. Хўжаликда бор-йўғи 220-250 гектар ерда деҳқончилик қилинади. Техника юролмас тоғ этакларини қўл кучи билан юмшатиб, картошка экишади. 10 сотих ердан 5-6 тоннагача картошка олганлар бор. Сувни эса ўнлаб километрга чўзилган ариқчалардан олиб келишади.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда Қашқадарёнинг айрим туманларида ичимлик суви муаммоси борлигини айтдилар. Ўшанда тоғли ҳудудлардаги аҳвол ёдимга келди. Бултур ёзда Деҳқонободда ҳокимлик биноси атрофида челак кўтарганларни кўргандим. Булоқлар қуриган. Катта ва кичик дарёларнинг суви камайган. Селга мўлжалланган омбордаги 1,5-2 миллион кубометр сув ғаллазорларга эмас, балки одамларга берилди. Ғузор, Чироқчи, Қамаши туманларида ҳам қурғоқчилик бўлди.

Биламанки, Китобдаги Олақўйлиқ қишлоғида аҳоли асосан қўл насосли қудуқлардан фойдаланади. Ўтган йили бундай қудуқлар ҳам қуриди. Аммо, Китобдаги кўп қаватли иморатлар олдида 242 та қрандан сув оқиб ётибди. Мутахассислар фикрича, эса 15 диаметрли қувурдан сув оқиб турса, кеча-кундузда 27 кубометр сув зое кетаркан.

— Бундай ҳолатлар борлигидан кўз юмолмаймиз, — дейди «Китоб сувоқова» корхонасининг ишлаб чиқариш устаси Ўроқ Тиловов. — «Гулистон», С. Раҳимов, «Янгиобод» маҳаллаларида сув исроф қилинганлиги юзасидан бир неча бор далолатнома тузиб, судга топширганмиз.

— Бунақада, сувни қандай ўлчайсизлар? Ҳисоб-китоб нимага асосланган?

— Жами 9 та қудуғимиз бор, — дейди у. — Китоб шаҳридаги 21 минг аҳоли, корхона ҳамда ташкилотлар билан шартнома тузилган. Бир кечакундузда 3800 кубометр сув етказиб берамиз. Ўтган йили 1 миллион 572 минг кубометр сув сотдик. Сув миқдори насослар қувватига қараб ўлчанади. Қишлоқлардаги артезиан қудуқлари ҳам шундай. Лекин уларга бизнинг даҳлимиз йўқ.

Мана, сизга ҳақиқий аҳвол. Сўриб олинаётган сувнинг қанчалиги, қанчаси ичиш ёки суғоришга кетаётганлигининг аниқ ҳисобини чиқарса бўладими? Жуда қийин. Ўлчагич йўқ.

СУВДЕК СУЛУВ СЎЗ

ҲАР КЎНГИЛДА МАВЖ УРИБ ТУРСА

(Давоми 2-бетда)

ХДП ХАБАРЛАРИ

СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис VIII сессиясида қилган маърузаси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масалалар юзасидан шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов маъруза қилди.

Маърузада шаҳар партия ташкилоти мамлакат раҳбариятининг партия дастурий йўналишларига тўла мувофиқ келадиган сиёсатини қўллаб-қувватлаб, асосий эътиборни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, жамиятда демократик тамойиллар қарор топишида партия аъзолари фаоллигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия бюросининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг 2001 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва 2002 йилга шаҳар партия ташкилоти бюджетининг асосий кўрсаткичлари лойиҳаси тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда уларнинг раҳбар органлари ЎзХДП сафларини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан мустаҳкамлашга қаратилган ишларни давом эттирдилар. 2001 йил мобайнида партия сафларига 3717 нафар янги аъзолар қўшилди.

Музокараларда «Шарқ гули» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Ғаниева, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Н.Шакаров, Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети проректори А.Қирғизбоев, ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши котиби А.Саидов, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ходими Н.Расулова, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи В.Пасечкинлар сўзга чиқдилар.

Пленум иштирокчилари яқдиллик билан Олий Мажлис VIII сессияси якунлари ва Юртбошимиз маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларни қўллаб-қувватлаб, маъқулладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби А.Рустамов қатнашди ва сўзга чиқди. Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФАОЛЛИК ДАЪВАТИ

Яқинда Тошкент халқаро аэропортида «Миллий истиқлол ғояси — асосий тушунча ва тамойиллари» мавзусида тарих фанлари номзоди, доцент Ҳамид Ҳакимов иштирокида учрашув бўлди. Учрашувда бу каби давра суҳбатларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳозирги кун талаби эканлиги, ҳамда бошланғич партия ташкилоти бу ишларда ҳамиша бош-қош бўлиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, туман кенгаши «Қўйлиқ маиший хизмат» касб-ҳунар коллежи жамоаси билан ҳамкорликда Наврўз байрами ҳамда Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб тантанали тадбир ўтказди.

Коллеж маъмурияти ва талабалар томонидан тайёрланган концерт дастури йиғилганларга байрам кайфияти бағишлади. Тадбир давомида талабалар ўртасида миллий анъаналаримиз бўйича қизиқарли кўрик-танлов бўлиб ўтди.

■ **Ш. ҚУРБОНОВ,**
ЎзХДП Сирғали туман кенгаши котиби

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ХИТОЙ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИ НАМОЙИШИ

15 АПРЕЛЬ КУНИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «ХИТОЙ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон ва Хитой халқларининг дўстлиги, ҳамкорлик ришталари икки минг йиллик мозийга бориб тақалади. Ҳали Европада бозорлар ташкил этилмасдан анча илгари Хитойдан Сўғд элига савдо йўллари очилган. Буюк ипак йўли икки мамлакат аҳолисини боғлаб турарди. Бироқ бу алоқалар собиқ мустабид тузум даврида узилиб қолаёзган эди.

Ниҳоят, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ҳукуматлараро олий даражадаги ташрифлар ва учрашувлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига пойдевор қўйилди. 15 апрелда очиладиган кўргазма ҳам ана шу ҳамкорликнинг давомидир.

Хитой Халқ Республикаси фан ва техника вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамкорликда ташкил этаётган кўргазма Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, мамлакатларимиз ўртасидаги фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланади, деган умиддамиз.

Илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, инновацион-технологик муассасалар, йирик компаниялар ҳамда Пекин шаҳри, Хэбэй, Хэнань, Шаньдун, Сичуань вилоятларининг йирик корхоналари вакиллари минг квадрат метрли экспозиция майдонида авиация, космонавтика, биотехнология, информатика, энергетика ва бошқа соҳаларда ўзлари эришган ютуқларни намойиш этишади.

Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам ривожланаётган мамлакатлар сифатида ҳамкорликни ва ахборот айирбошлашни ривожлантиришдан манфаатдордир. Ушбу кўргазма икки мамлакатнинг илмий доиралари, тадбиркорлари ва ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида янги-янги истиқболларни очади. Кўргазма 18 апрелгача давом этади.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ**

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

СУВДЕК СУЛУВ СЎЗ

ҲАР КЎНГИЛДА МАВЖ УРИБ ТУРСА

ИСЛОҲОТ ВА НАТИЖА

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг 2000 йил 28 июль куни ўтган навбатдан ташқари сессиясида депутат сифатида иштирок этгандим. Юртбошимиз воҳада юз берган қолоқлик, ночор аҳволни батафсил таҳлил қилиб берганлар. Хусусан, қишлоқ хўжалигида мушкул аҳвол вужудга келган, ҳатто сув мўл йилларда ҳам режалар мўлжалга етмаган эди.

Орадан бир йилу етти ой ўтди. Аммо ўтган давр воҳада «сув ислоҳоти» номини олди. 2002 йилнинг 21 февралида ислоҳотларнинг боришига бағишлаб ўтказилган йиғилишда натижалар лўнда қилиб айтилди. Ўтган йили етиштирилган 357 минг тонна доннинг 275 минг тоннаси давлатга сотилди. Ҳосилдорлик олдинги йилга нисбатан 2,5 центнерга, дон сотиш 66 минг тоннага кўпайди. Жами 175 минг гектар ерга чигит экилиб, 158,4 минг гектардаги ғўзалар сақлаб қолинди. Пахта тайёрлаш 325,5 минг тоннани ташкил этди. Қишлоқ хўжалигидан 8,3 миллиард сўм фойда олинди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ориф Тўхтамишевнинг айтишича, ўтган йили 3 миллиард 943 миллион кубометр сув лимити ажратилган бўлиб, шундан 3 миллиард 59 миллион кубометри олинган. 1999 йилга нисбатан 1268 миллион кубометр, 2000 йилга нисбатан 420 миллион кубометр сувни тежашга муваффақ бўлинган. Суғориш тармоқларига 15 мингдан зиёд сув ўлчагич мосламалари ўрнатилганлиги исрофгарчиликни кескин камайтирибди. «Сечанкўл» магистрал зовурини тиклаш ишлари олиб борилган. Жами 441 километр узунликда ички хўжалик зовури ва 20 минг километр ички ариқлар тозаланиб. Аму сувлари алоҳида канал орқали Ғузор туманининг ташна ерларига етказилган.

— Биз 50 минг кубометр ўрнига 44 минг кубометр сув олдик, — дейди Касби туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалиги бош мироби Абдишукур Сафаров. — Ғалла режасини учма-уч бажардик. Аммо 2450 гектар ердан 6850 тонна ўрнига 7800 тонна пахта етиштирдик. Соф фойдамиз 96 миллион сўмдан ошди. Бундан миробларга ҳам яхши улуш тегади.

— Биз эса аранг 100 гектар ғаллазорни сақлаб қолдик, — дейди Ғузор туманидаги Мейли Раҳимов номли хўжалик мироби Абдисалом Абдиев. — Ғўзалар қуриб кетди...

Ҳа, икки-уч йилдирки, қурғоқчилик қийинчилик туғдираяпти. Вилоятнинг ўзига хос оғир иқлим шароити, қурғоқчиликлар сувдан ўта тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади.

Шу ўринда айрим мулоҳазалар туғилади. Сувни 50 фоизга тежаш имконини берадиган томчилатиб суғориш усулига нега жиддий эътибор берилмаяпти? Бир вақтлар Китоб туманидаги «Наврўз» хўжалигида хорижий мутахассислар ўрнатиб берган томчилатиб суғориш ускуналари қани? Қарши туманидаги Ю. Хушвақтов номли хўжаликдаги ускуналардан нега тўла фойдаланилмаяпти? Бундан ўн-ўн икки йил бурун Китобдаги «Варганза» хўжалиги адирларига сув чиқарган ускуналар бугун нега ишлатилмаяпти?..

Вилоят сув оқова ташкилоти ҳозир вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли туманлараро ичимлик суви таъминоти корхонаси, деб аталади.

— Биз 6 та туман ва «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводига хизмат кўрсатамиз, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими ходими Жонқувват Норбоев. — Қарши даштидаги туманлар асосан Таллимаржондаги сув тозалаш иншоотидан сув олишади. Биз Яккабоғдаги сув узатиш шаҳобчасидан бир кеча-кундузда 160 минг кубометр сув оламиз. Бу сув энг тоза, жаҳон андозаси талабларига жавоб беради. Магистрал сув узатиш қувурлари орқали йўл-йўлакай Қамаши тумани ҳар куни 6-8 минг, Ғузор 3-4 минг, «Шўртангаз» корхонаси 6 минг кубометр сув олади. Қарши шаҳрининг кунлик насибаси — 110 минг кубометр. Ундан кейин Муборакка — 20 минг, Косонга 5-5,5 минг, Баҳористон туманига 3-3,5 минг кубометр ичимлик суви берилади.

— Қарши шаҳрига шунча сув берилса ҳам, таъминот ёмонлиги ҳақида эътирозлар бор. Нега аҳвол бундай?

— Ҳар литр сувни ўртача 15 сўм 70 тийиндан сотамиз, — сўхбатга қўшилади корхона ходими Баҳриддин Мўминов. — Қаршида ҳам анча сув ўлчагичлар ўрнатилган. Танқисликнинг сабаби шундаки, исрофгарчилик катта. Йўқса, берилаётган сув эҳтиёжни тўлиқ қондиради.

— Сувни бу ташкилот биздан олади, — дейди шу жойга иш билан келган Шаҳрисабз сув ишлаб чиқариш корхонаси муҳандиси Зокир Алиқулов. — Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз ҳудудидан сув оладиган 107 та артезиан қудуғи ишлаб турибди. Ҳозир ҳар куни 170 минг кубометр сув чиқарилмоқда. Иккита магистрал сув узатиш қувурлари вилоят маркази томон тортилган. Муборак газни қайта ишлаш заводи учун алоҳида қувур бор. Яккабоғдаги сув узатиш шаҳобчасида сув ўлчагич ўрнатилган. Ҳисоб-китобда адашмаймиз.

Хўш, воҳанинг асосий ичимлик сув заҳираси қанча? Унинг аниқ ҳисоб-китоблари борми?

ЭНГ НОЁБ ЎЛЧАГИЧ НИМА?

Қадимда ҳам сув талашишлар бўлган, албатта. Аммо саксонинчи йиллар охирларидагиси ёддан чиқмайди.

Айрим кишилар кўчага уч бошли аждаҳо тасвирли матони кўтариб чиқишганди ўшанда. Бу уч туман ер ости сувлари беҳисоб сўриб олиниши экологик фалокатни юзага келтиришига ишора эди. Йиғилиш ўтказилиб, гидрогелоглар, зилзилашунос, тупроқшунос олимлар, агрономлар иштирок этишди.

Хўжалик деҳқонлари бунча кўп сув сўриб олинаверса, ёмон оқибатлар келиб чиқиши, тупроқнинг нами қочаётгани каби масалаларни ўртага ташлашди. Мутахассислар бунинг хавфи йўқ, чўккан қудуқлар атрофи шағал билан тўлдирилса, бас дейишган. Аҳоли кўниккан. Илк бор артезиан қудуқларга ўлчагичлар ўрнатиш таклифи билдирилган эди. Афсуски, таклиф қоғозларда қолиб кетди...

— Вилоятда ер ости сув заҳиралари миқдори қанча ва ундан қандай фойдаланилаяпти?

— Энг аниғи давлат заҳиралар комиссиясига берилган маълумотлар, воҳадаги ер ости сув заҳираси 1710,6 минг кубометр-суткани ташкил этади, — дейди Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедициясига қарашли Қашқадарё гидрогеология станцияси бошлиғи Ғайбулло Ҳамитов.— Ўртача секундига 13,65 кубометр сув чиқариб олинаяпти. Бунинг 30-35 фоизидан ичимлик, 45-50 фоизидан суғориш, 10-16 фоизидан бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда. Жами 1782 та қудуқ ҳисобга олинган. Уларнинг 1000-1100 таси ишлаб турибди. Ғузор туманида 250 та қудуқдан олинаётган сувнинг 98,4 фоизи, Чироқчи туманида 65-70 фоизи фақат суғориш учун ишлатилаяпти. Бошқа туманларда ҳам суғориш учун ишлатилаётган сув озмунча эмас.

— Сиз менга умумий ресурсни айтдингиз, шундан ичишга яроқлиси қанча? Сақланиш ҳолати қай аҳволда?

— Тоза ва халқаро андозаларга мос ичимлик суви заҳиралари юқори туманлар ҳудудида жойлашган. Уларни иккига бўламиз. «Китоб-Шаҳрисабз» ер ости конида 760,2 минг кубометр-сутка, «Қашқадарё ўнг қирғоғи» ер ости конида 140 минг кубометр-сутка сув мавжуд. Бунга Чироқчи, Косон, Қамаши туманлари ер остидаги чучук сувлар киради. Яна 89,2 минг кубометр-сутка сув тоғ ҳудудларида ҳосил бўлади. Демак, бутун воҳадаги тоза ичимлик сувининг миқдорини 990,3 минг кубометр-сутка, деб ҳисоблаш мумкин. Ер ости сувларининг пасайиб-кўтарилиши ҳисоботлари ҳам бор. Хусусан, 2002 йил февралдаги ўлчов шуни кўрсатадики, сув сатҳидан 19,7 метр пастга тушган. Ер ости сув заҳираси турли йилларда турлича пасаяди. Уни тўлдириш манбаи қор, ёмғир, дарё сувлари.

— Шўрланган сувлар ҳам ўзгарадими? Улардан фойдаланиш мумкинми?

— Қизиқ, савол, — дейди ўйчанлик билан Ғайбулло Ҳамитов. — Мен шу жойда ишлаётганимга йигирма етти йил бўлди. Яқинда қирқ йиллик ҳисоботни тайёрлашга киришдик. Биласизми, табиат ҳодисаларини ўрганмасдан туриб, яшаб бўлмайди. Масалан, Қамаши туманининг «Обкаш» деган жойидан тоза сув олинган. Ҳозир ичишга ярамайди. Касби туманидаги «Муғлон-Шакаржой» ер ости суви кейинги ўн йилда шўрланиб кетди, натижада тоза сувга қўшиб истеъмол қилинмоқда. Аммо, кейинги йилларда сувдаги туз миқдори камаймоқда. Демак, табиий мувозанатни бузмаслик керак...

Қудуқлар ва олинаётган сув миқдори ўртасидаги маълумотларда ҳам тафовут мавжуд. Мисол учун Қашқадарё насос станцияси, энергетика ва алоқа бошқармаси артезиан қудуқлар бўлими муҳандиси Баҳодир Баҳромов берган маълумотга кўра, ўтган йили шу ташкилотга тегишли 1234 та қудуқдан 735 таси ишлатилиб, 178 миллион 964 минг кубометр сув чиқарилибди. Бу сув асосан экинларни суғориш учун ишлатилган. Афсуски, бу ташкилотда ҳам сув миқдори насосларнинг қувватига қараб аниқланади. Умуман, ислоҳот — ичимлик суви ресурсларини суғориш мақсадлари учун энг кам даражада олиш, бошқа имкониятлардан самаралироқ фойдаланишга қаратилмоғи лозим, деб ўйлаймиз.

Ҳамма замонларда сувни тежашга ҳаракат қилишган. Абу Али ибн Сино ҳазратларининг «Тиб қонунлари» китобида шундай дейилган: «Билгилки, тортиб кўриш сувнинг сифатини аниқлашда қулай усуллардан биридир. Оғирлиги бир хил бўлган икки бўлак латта ёки пахтани икки хил сув билан ҳўллаб, кейин уларни яхшилаб қуритилади ва тортилади. Қайси пахта енгил келса, ўша ҳўлланган сув яхшироқ ҳисобланади». Ҳа, бугун эса сув тонналар, кубометрлар, литрлар, миллион ва миллиардларда ўлчанади. Сифати энг замонавий лабораторияларда аниқланади. Аниқ ўлчагичлар кашф этилган. Зеро, шулар кифоямикан?

Тоғлик Абдураҳмон Файзиддинов «сувнинг уволи ёмон», деганди. Одатда «исроф қилмайлик» сўзини кўп ишлатамиз. Агар нон увоғи ерга тушса, уволидан қўрқиб оламиз. Ахир, нон сувсиз яратилмайди-ку? Хуллас, ҳар қандай ўлчагич ва сувга бўлган муносабат ўзгармаса, самара кўнгилдагидек бўлмайди. Сувни инсоф билан, қалб билан ўлчаш лозим. Токи, ҳаёт сингари сувдек азиз неъмат мавжланаверсин...

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сахий кўклам ҳамиша кўнгилларга қувонч бағишлайди. Айниқса, не-не умидлар билан эккан ғалласи гуркираб турса-ю, ўтказган дарахтлари яшил либосга бурканса деҳқоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади.

Бўз туманидаги Шодмонов номли ширкат хўжалиги аъзоларининг юзида табассум. Улар ўтган йили 3,5 минг туп, бу йил эса 7 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказишганди. Ҳозир бу кўчатлар гуркираб ривожланаётир. Кузда яхши ният билан 483 гектар майдонга купава, крошка, половчанка навли буғдой уруғлари қадалганди. Об-ҳавонинг серёғин келиши, деҳқонларнинг ғайрат-шижоати туфайли ғалла майсалари баравж ўсаяпти.

Суратларда:

1. Хўжалик оқсоқоллари Мамажон ота Ортиқов, Собир ота Тўхтабоев ва хўжалик бошқаруви раиси Равшанбек Бобожонов.

2. Пудратчи ғаллакор Нуриддин Араббоев. У 14 гектар ерга буғдой экиб, меҳр билан парваришлаётир.

■ **Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар**

САВОБЛИ ИШЛАРГА НИМА ЕТСИН

Қувасой атрофидаги Пакана қишлоғи аҳли «Кварц» ҳиссадорлик жамиятидан ажойиб туҳфа олди. Ҳиссадорлик жамияти бу ердаги эски, кўримсиз амбулатория ўрнида замонавий саломатлик маскани қуриб берди. Умумий қиймати 70 миллион сўмдан зиёд бу масканда 20 дан ортиқ шифокор физиотерапия, гинекология, тиш даволаш ва бошқа тиббий соҳалар бўйича хизмат кўрсатишади. Хоналар 60 минг АҚШ долларилик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Қўқонда эса турли корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида 300 ўринли «Мурувват уйи» барпо қилинди. Қарияларни қадрлаш йилида яхши ният билан қурилган бу бинога 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

ҚАРОР ВА ИЖРО

БИРОВНИНГ БОЛАСИ... ЭМАС

КЎЧАДАГИ ҲАР БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА ҲИСОБЛАНАДИ

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ўз асарларида фарзанд тарбиясида учта муҳим жиҳат — бадан, фикр ва ахлоқ тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Дарҳақиқат, ёш авлод жисмонан соғлом, ҳур фикрли ва ахлоқли бўлса жамиятга фойдаси тегади. Шу маънода мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Қатор-қатор дастурлар, қарорлар қабул қилинаётганлигини эса алоҳида қайд қилиш лозим.

Шундай ҳужжатлардан бири Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қароридир. Хўш, бу қарорнинг ижроси қандай бажарилянти? Жойларда, хусусан, Тошкент вилоятида муҳим бу ишга эътибор қай ҳолатда? Аввало, шуларга тўхталиб ўтсак.

Сир эмас, Тошкент вилоятининг бошқа жойлардан ажралиб турадиган алоҳида хусусиятлари бор. Улардан бири — вилоятда юздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг истиқомат қилишидир. Шунинг учун вилоят комиссиясининг вояга етмаганлар ўртасида олиб борадиган фаолият дастури ўзбек миллий қадриятлари, Ватанга садоқат, юртга муҳаббат, дўстлик, тотувлик туйғулари турли миллат ва элатларнинг урф-одатлари билан уйғун тарзда тузилган. Эътиборли жиҳати шундаки, дастур ижросига ҳуқуқ-тартибот идораларидан тортиб, маҳалла, ота-она, мактаб, корхона-ю хўжалик, ёшлар ташкилотлари ва бутун жамоатчилик бевосита масъул қилиб қўйилган.

Бу вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик, норасмий диний оқимларга кириб, қолишнинг олдини олиш, уларни она юртга садоқат руҳида тарбиялашда қўл келмоқда.

Бундан тўрт йил аввал вилоятда 44 та авария ҳолатидаги мактаб мавжуд эди. Бу ҳолат вилоят Кенгаши сессиясида Юртбошимиз томонидан кескин танқид остига олинди. Вилоятда ўтган вақт мобайнида 20 дан ортиқ янги мактаблар қурилди.

Ўсмир ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни фойдали ишларга жалб қилиш мақсадида қатор ташкилотлар ташаббус билан чиқаётганлиги, айниқса эътиборли. Яқинда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг бўлимлари маҳалла оқсоқоллари билан келишган ҳолда жойлардаги тарбияси оғир, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини оталиққа олдилар ва уларни касбга йўналтириш бўйича ўқитишни йўлга қўйди.

Вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тарбияси оғир ҳамда муқаддам судланган вояга етмаганларнинг 455 нафарини ўз ҳомийлигига олди. «Камолот»чилар яқинда яна бир ташаббус билан чиқишди: улар ҳар бир шаҳар ва туманда биттадан ёшлар спорт мажмуасини ташкил этишни мақсад қилдилар.

Болалар, ўсмир ва ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш ва бу борада оммавийликни таъминлаш уларни бошқа ножўя ишларга чалғиб кетишига йўл қўймайди. Бу борада мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг ўтказилиши эътиборга молик. Барча шаҳар ва туманларда мусобақалар ғоят кўтаринки руҳда ўтказилди. Бундан ташқари, вилоятда мактаб, лицей, коллеж ва мактабдан ташқари муассасаларда спорт ва бошқа тўгараклар фаолиятини такомиллаштириш масаласида ҳам иш олиб борилмоқда.

Албатта, шоли курмаксиз бўлмаганидек, комиссия ишларида камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамай, ўтган вақт мобайнида вилоят бўйича вояга етмаганлар томонидан 47 та турли ҳуқуқбузарликлар содир этилди. Куйичирчиқ, Пискент туманлари, Ангрен, Янгийўл шаҳарларида жиноятлар бирмунча кўпайганлиги ачинарли ҳолдир.

Ушбу жиноятларда мактаб ўқувчиларининг иштирок этаётганлиги эса ташвишли ҳолат. Бу айрим жойларда комиссияларнинг таълим муассасалари, маҳалла, ота-она, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан етарли иш олиб бормаслиги, тарбиявий ишларнинг таъсирчан йўлларини қўллай олмаётганлигидан далолат беради.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл бор. Афсуски, айрим ота-оналар, корхона ва ташкилот раҳбарлари болалар билан ишлашда эътиборсизлик қилмоқдалар. Баъзилар «бу менинг вазифам» эмас, дея ёш авлод тарбиясидек муҳим масаладан ўзларини четга олаяптилар. Бу борада ҳаммамиз Юртбошимизнинг «Ўзбекистондаги барча болалар менинг ўғил-қизларимдир» деган сўзларини бот-бот эсга олиб туришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Ёшлар тарбияси давлатимизнинг бош сиёсатига айланган бир пайтда, юртимизда бу муҳим вазифага лоқайд одамнинг ўзи бўлмаслиги керак. Улар тақдирига лоқайдлик эса келажакка лоқайдлик билан баробар.

■ **Баҳодир ТУРҒУНОВ,**
Тошкент вилояти ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия масъул котиби.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ОСОН ИШ ЭМАС

Мамлакатимиз мустақиллиққа эришгандан сўнгги даврнинг энг муҳим ютуқларидан бири — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва унинг биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилиши бўлди.

Узоқни кўра билган Юртбошимиз 1998 йилдаёқ ўқувчиёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини шакллантириш бўйича йўлланма берган ва унинг вазифаларини аниқ белгилаган эди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан барча туман ва шаҳарларда халқ таълими бўлимлари қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташҳис марказлари ташкил этилди. Уларга касб-ҳунарга йўналтирувчи, амалиётчи психолог, врач ва дефектологлардан иборат мутахассислар жалб этилди. Халқ таълими вазирлигининг истеъдод маркази негизида эса «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташҳис маркази» иш бошлади. Марказ томонидан қатор меъёрий ва услубий ҳужжатлар, ташҳис услублари ишлаб чиқилди.

2001 йилдан бошлаб эса бу соҳада янада яхшироқ ўзгаришлар амалга оширилди. Халқ таълим вазирлиги томонидан республика Ташҳис маркази фаолияти қайтадан кўриб чиқилди, унинг тузилмаси ва вазифалари янгидан белгилаб берилди.

Шундай бўлса-да, касб-ҳунарга йўналтириш тизими самарадорлиги замон талаблари даражасига етмаяпти. Бу соҳадаги мутахассисларнинг камлиги ва амалий тажрибаларнинг етарли эмаслиги туфайли, касб-ҳунарга йўналтириш тизими узлуксиз таълим тизимининг самарали амалга оширилиши ва ривожланиши талабларига тўлақонли жавоб бера олмаяпти.

2000-2001 ўқув йилидаги умумий ўрта таълим мактабларини битирувчиларнинг барчаси психологик-педагогик ташҳиздан ўтказилиб, уларга академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишларига тавсияномалар берилди. Лекин бу жараён осонликча кечмади. Хусусан, ўқувчиларни психологик-педагогик ташҳис қилиш ва уларга тавсияномалар бериш жараёнида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, жойлардаги баъзи ҳудудий Ташҳис марказлари томонидан берилган тавсияномалар нотўғри тўлдирилди, ўқувчиларга ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари тўғрисидаги ахборотларни етарли даражада тарқатилмади, ота-оналар ва ўқувчиларга касбий маслаҳатлар бериш ишлари талаб даражасида ташкил қилинмади. Натижада 2001-2002 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг саноат, транспорт, алоқа, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш ва коммунал хўжалиги каби маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳаларга тааллуқли тайёрлов йўналишларига битирувчиларни йўналтириш, тарғибот этиш ишлари сусайиб кетди.

Афсуски, шу кунгача вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари бу масаланинг моҳияти ҳамда муҳимлигини чуқур ҳис этмаётирлар. Айрим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бу жараёнда сust кузатувчи бўлиб қолаяптилар. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг (2001 йил 25 майдаги 77-120-рақамли) ҳамкорликни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда 2001 йил 26 декабрдаги «Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш» тўғрисидаги қўшма буйруқлари қабул қилиниб, унда барча иштирокчиларга аниқ вазифалар белгилаб берилганлигига қарамай, умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-ҳунарга йўналтириш хоналари, ҳатто баъзи туманларнинг Ташҳис марказлари мавжуд касб-ҳунарлар, тайёрлов йўналишлари тўғрисидаги ахборотлар билан етарли таъминланмадилар.

Жойларда ўтказилган тадқиқотлар ва суҳбатлар натижаларига кўра шуни айтиш мумкинки, аксарият битирувчилар «Ким бўлишни истайсиз?» деган саволга «милиционер», «шифокор», «прокурор», «иқтисодчи» кабилар билангина чекланиб қолаётганликлари аниқланди.

Ҳудудий Ташҳис марказларининг моддий-техника негизи шу куннинг талабларига жавоб бермайди. Уларнинг айримлари алоҳида хоналар, алоқа воситаси ва компьютер техникаси билан жиҳозланмаган.

Вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ўз тасарруфларидаги Ташҳис марказлари ходимларини уларнинг вазифалари доирасидан ташқаридаги ишларга жалб қилишни давом эттирмоқдалар...

Умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-ҳунарга йўналтирувчи ва амалий психологлар кўп ҳолларда етарли касбий маълумотга эга эмас. Бу соҳада яна бир ачинарли ҳол — касб-ҳунарга йўналтириш тизимига шу пайтгача бирорта хорижий лойиҳа ёки инвесторлар жалб қилингани йўқ.

2001 йилда кўплаб янги турдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил қилиниши билан ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташҳис марказлари вазифалари ва масъулияти янада ортди. Юқоридагилардан келиб чиқиб олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз лозим:

Биринчидан, **ўқувчиларни ва ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг умумдавлат концепциясини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир.**

Иккинчидан, **Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунарга йўналтириш тизимининг самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва уни такомиллаштириш масалаларини ўйлаб кўришимиз керак. Чунки, ўсиб келаётган ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш нафақат Ташҳис марказлари ва умумтаълим мактаблари педагогик жамоаларининг, балки бу соҳадаги ижтимоий ҳамкорларнинг (оила, маҳалла, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, маҳаллий ҳокимиятлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш органлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг) муҳим вазифасидир.**

Ҳозирги кунда республикамизда 9661 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 30-40 фоизигина мутахассис психологлар билан таъминланган, холос. Қолган мактабларни келгусида амалиётчи психологлар билан таъминлаш масалаларини ким ҳал этади? Яна умумий ўрта таълим мактабларининг амалий психологлари бошқа педагоглар фойдаланаётган имтиёзлардан фойдалана олмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Хўш нима қилмоқ керак? Бу борада бизнинг таклифларимиз қуйидагича:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари психологларини бюджет ҳисобидан қайта тайёрлаш ишлари ижобий натижалар бераётир. Шу тажрибага кўра, мутахассис кадрлар етишмаётган бир пайтда, умумтаълим мактаблари ва туман, шаҳарлар Ташҳис марказлари психологларини бюджет ҳисобидан қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш фойдадан холи эмас.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташҳис маркази ҳудудий марказлар ва умумий ўрта таълим мактабларидаги касб-ҳунарга йўналтириш фаолиятини меъёрий ва услубий ишланмалар билан тўла таъминлаш бу соҳада чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, жараённинг доимий мониторингини олиб бориш лозим.

Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари касб-ҳунарга йўналтириш ишларини мунтазам равишда 1-9 синфлардаги тўлиқ таълим жараёни мобайнида доимий ташкил қилишни таъминлашлари лозим.

Шуни таъкидлаш ўринлики, республикамизнинг келажакдаги мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қай даражада қондирилиши, бугунги кунда сизу биз қўяётган пойдеворга — касб-ҳунарга йўналтириш ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада хатоликларга йўл қўймаслигимиз керак.

■ **Ҳ. РАШИДОВ,**
иқтисод фанлари номзоди, Европа таълим фонди маслаҳатчилар форуми аъзоси, касб-ҳунар таълими халқаро Академиясининг ҳақиқий аъзоси.
Ш. ЭРГАШЕВ,
техника фанлари номзоди, доцент

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

Чехия Республикасининг пойтахти Прага шаҳрида «Бозор иқтисодиёти шароитида одил судлов» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унинг асосий диққат-эътибори ривожланаётган давлатларда хўжалик судлари тизимини такомиллаштиришга қаратилди.

Шу анжуманда қатнашган Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси М.Израилбекова Чехиядан бой таассуротлар билан қайтди. Жамоатчи мухбиримиз у билан учрашиб, анжуман сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.

— Маҳмуда Абдусамиевна, аввало, ушбу дастур ташкилотчилари ҳақида маълумот берсангиз?

— Мазкур ўқув-семинари халқаро СИЕЕЛИ институти томонидан ташкил этилди. Бу институт ривожланиб бораётган давлатларда фуқаролик жамияти, эркин бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқ устуворлиги тамойилларини ривожлантиришга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу дастур хўжалик ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларга мўлжалланган бўлиб, унда асосий эътибор юрист ва судьялар иш жараёнида тўқнашадиган муаммоларни қандай ечишга қаратилган. Семинарда биз турли давлат вакиллари билан тажриба алмашдик. Шунингдек, етакчи давлатларнинг тажрибали юристлари — Мэн штати Олий суд судьяси жаноб Говард Дана, Халқаро Арбитраж комиссияси аъзоси, судья Роберт Антер, Литва судьялар ассоциациясининг президенти Виргилиус Валанчюс, СИЕЕЛИ институтининг Чехия Республикасидаги ижрочи директори Жозл Мартин жаноблари ўз тажрибалари ва Европа қонунлари бўйича маърузалар қўқишди. Маърузалар асосан бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик судлари фаолиятини такомиллаштириш мавзуига бағишланди.

— Ривожланган давлат сифатида доим АҚШ тажрибасига қизиқамиз. У ерда тадбиркор бўлиш учун қандай ҳужжатлару қанча вақт керак бўларкан?

— АҚШда хусусий тадбиркор мақомига эришиш жуда содда. Бир кунда керакли ҳужжатларни тўплаб, штат секретарига топширган ёки факс орқали жўнатган кундан бошлаб тадбиркор ўз фаолиятини бошлайди. Делавер штатида ҳатто масъулияти чекланган корхонани 2 соат мобайнида тузиш учун ярим тунга қадар хизмат кўрсатувчи ташкилотлар мавжуд. Йирик компаниялардан бири ҳисобланган «Энрол» компанияси атиги бир соат ичида тузилибди.

— Бизда ҳам, Президентимиз доимий жон куйдиришлари натижасида ниҳоят, 2001 йилда тадбиркор бўлиш учун талаб қилинадиган зарур ҳужжатлар сонини камайтиришга, расмийлаштиришга кетадиган бир неча ойларни бир неча кунга қисқартиришга эришилди. Лекин, барибир жойларда ҳамон тўрачилик, сансалорлик ҳолатлари бор. Бу тўсиқларни ҳам бартараф этиш учун ривожланган давлатлар тажрибасидан нималарни ўрганиш мумкин?

— Тадбиркор уларда гаровга, масалан, бирор битказилган товарми, жиҳозними қўйиши мумкин. Бизда ишлаб чиқариш маҳсулотини гаровга қўйиш мумкин эмас. Америкаликларда «Иқтисодиёт асосини ўзаро шартномалар ташкил этади» деган термин бор. Ҳар бир америкалик давлат иқтисодиёти ривожланса, ўзи ҳам бой бўлишини англаб етган. У ўз мамлакати ривожланишини шахсий манфаатларидан устун қўяди. Қисқа қилиб айтганда, улар ўз юртини ривожлантириш учун бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаракат қилишади.

Корхона тузиш учун минимал капитал ҳам қўйилмайди. Қоида оддий: тадбиркор бўлмоқчимисиз, марҳамат, солиқларни ўз вақтида тўлаб фаолият кўрсатаверинг.

— Судлов фаолиятидаги фарқлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Семинарда иштирок этган давлатларнинг кўпчилигида хўжалик ишларини кўрувчи алоҳида суд йўқ. Бу албатта, судьяларга ҳам, тарафларга ҳам бир қанча қийинчиликлар туғдиради. АҚШда фуқаролик ишларини кўриш тартиби, жиноий ишларни кўриш тартиби, апелляция босқичида иш кўриш тартиби, суд этикаси тўғрисида процессуал қонунлар мавжуд. Йирик судларда судьяларга иш судьяларнинг тартиб рақами бўйича берилади. Кичик судларнинг судьялари эса йирик судларга иш кўриш учун ёрдамга юборилар экан. Шунинг учун тарафлар ишни қайси судья кўришини аввалдан билишмас экан. Махсус судлар бўлмагани сабабли, судья фуқаролик, жиноий, хўжалик ишларини бирин-кетин кўрар экан. Яна бир асосий фарқ, кўпчилик давлатларда хўжалик ишларини кўришда белгиланган маълум муддатнинг йўқлиги. Баъзи ишлар бир ҳафта ичида кўрилса, баъзилари ойлаб, ҳаттоки йиллаб ҳал этилмай қолиши мумкин экан. Бизда эса барча ишларни кўриш муддати ҳам қонунлар аосида мустаҳкамлаб қўйилган, яъни ҳар бир иш қатъий белгиланган муддатда кўрилади. Яна бир катта фарқ шуки, кўпгина давлат вакиллари бизда амалда бўлган «Суд буйруғи»ни ўз давлатларида қўллашни исташди. Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир. Суд буйруғи ижро кучига эга. Икки тараф солиштирма далолатномасини судга тақдим этгач, суд буйруғи берилади. Уларда эса бу каби иш ҳам даъво аризаси каби суд муҳокамасида кўрилар экан.

— Маҳмуда Абдусамиевна, биз хорижий давлатлардан нималарни ўрганишимиз керагу улар биздан ўрнак оладиган нималар бор?

— Ушбу семинарда иштирок этган давлатлар тажрибасини яхши ёки ёмон деёлмайман. Ҳуқуқий демократик давлат қуришда барча соҳа қонунлар билан тартибга солингани, иш кўриш муддатларининг қатъий белгиланиши, қонун устуворлиги бизнинг давлатимизда яхши йўлга қўйилгани яққол кўринади. Буни семинар иштирокчилари ҳам эътироф этишди. Умуман, семинар қатнашчилари республикамиздаги осойишталик, қонунлар устуворяиги, судларнинг ихтисослашганини ҳавас билан тан олишди.

Меэбонлар, яъни чех халқи Ўзбекистонданлигимизни эшитгач, жонланиб, Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент халқимизнинг меҳмондўстлиги ҳақида илиқ гаплар айтишди. Президентимизнинг адолатли сиёсати тўғрисида тўлқинланиб сўзлашди. Шундай давлат вакили, шу юрт фарзанди эканлигимиздан, хориж давлатларидан ҳеч қандай камчилигимиз йўқлигидан, аксинча ўрнак оладиган жиҳатларимиз кўплигидан бошимизни баланд кўтариб юрганимиз, албатта, биз учун фахрли ва ёқимли бўлди.

■ **Суҳбатдош: Дилфуза АБУЛҲАСАН қизи**

МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

Сиз яқинларингизга хорижий валютада пул жўнатиш ёки олиш ниятидамисиз?

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири — Халқ банки жаҳоннинг 189 мамлакатида фаолият юритаётган **Western Union** халқаро тизими орқали пул кўчириш хизматини таклиф этади.

Банкнинг ушбу хизмат тури **Western Union** тизими бўйича хорижий валютадаги пул маблағларини дунёнинг исталган нуқтасига саноқли дақиқаларда етказиш имкониятини беради.

Мурожаат учун манзиллар: Халқ банкининг Тошкент шаҳар, Қатортол кўчаси, 46-уйда жойлашган банк операциялари бошқармаси ҳамда банкнинг Ҳ.Олимжон майдонидаги Мирзо Улуғбек туман бўлими.

Қўшимча маълумотларни 173-69-19, 45-35-46 ва 137-12-02 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ ИШОНЧЛИ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ ГАРОВИ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

«ДАВИНКОМ» ИФ ТОМОНИДАН ЭРКИН СОТУВ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН АКЦИЯ ПАКЕТЛАРИНИ БИРЖА ВА БИРЖАДАН ТАШҚАРИ САВДОГА ҚЎЙИЛАЁТГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

№	Ҳудуд	Тармоқ	Эмитент	Устав фонди (сўм)	Номинал	Дона	%
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Қашқадарё вил.	«Агромашсервис» уюшмаси	«Қаш.вил.и/ч транспорт техника таъминоти» ОҲЖ	4187600,00	380,00	765	6,94
2	Самарқанд вил.	Давлат матбуот қўмитаси	«Самарқанд босмахонаси» ОАЖ, Сам. шаҳ.	65200000,00	1000,00	16300	25,00
3	Фарғона вил.	Давлат геология қўмитаси	АО «Геоминсув» Фар. вил.	14971000,00	1000,00	1457	9,73
4	Самарқанд вил.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	«Самарқандирқурилиш» ОТҲЖ Сам. вил.	40335000,00	1000,00	11769	29,18
5	Тошкент шаҳри.	Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги	ГАК МАП «O`RTA OSIYO TRANS», Ташкент шаҳри.	364672000,00	2000,00	72417	39,72
6	Жиззах вил.	Ўз. автомобиль ва сув транспорти агентлиги	«21 Гагарин автокорхонаси» АЖ Жиззах вил.	22891500,00	500,00	571	1,25
7	Қашқадарё вил.	Ўз. автомобиль ва сув транспорти агентлиги	«Яккабоғ-85» АЖ Қаш. вил.	18280000,00	1000,00	5610	30,69
8	Фарғона вил.	Ўз. автомобиль ва сув транспорти агентлиги	«АТП-75» АЖ Фар. вил.	5776260,00	1190,00	2169	44,68
9	Фарғона вил.	Ўз. автомобиль ва сув транспорти агентлиги	«Учкўприк тумани 94-автокорхона» АЖ Фар. вил.	8158000,00	500,00	5019	30,76
10	Фарғона вил.	Ўз. автомобиль ва сув транспорти агентлиги	Бешариқ тумани «53-автокорхона» ОАЖ Фар. вил.	16847500,00	500,00	11366	33,73
11	Фарғона вил.	Ўзбекенгилсаноат	«Фарғона сунъий чарм. заводи» ОТҲЖ	90908900,00	100,00	227272	25,00
12	Наманган вил.	Ўзозиқовқатсаноат	«Роҳат» АЖ. Чортоқ шаҳри, Нам. вил.	8980510,00	770,00	5498	55,71
13	Тошкент вил.	Ўзавтосаноат	«Тошкент подшипник заводи» АЖ	9538900,00	100,00	9540	10,00
14	Жиззах вил.	Агроқурилиш	«МСПМК-354» АЖ.	715000,00	500,00	357	25,00
15	Тошкент вил.	Агроқурилиш	«ХАА-19» АЖ.	6616000,00	1000,00	1654	25,00
16	Самарқанд вил.	Агроқурилиш	«Ургутдеҳқончиликқурилиш» АЖ	3601800,00	580,00	1553	25,00



Қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этинг: 132-07-32, 133-22-73, 133-38-69

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 14,17 май кунлари Учқудуқ шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. РАФ-22031 русумли, давлат рақами 79-15 НВМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, Марказий Кон бошқармаси 9-сонли автокорхонасига қарашли автомашина. **Бошланғич баҳоси — 532000 сўм.**
2. РАФ-22031 русумли, давлат рақами 97-88 НВМ, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, Марказий Кон бошқармаси 9-сонли автокорхонасига қарашли автомашина. **Бошланғич баҳоси — 443300 сўм.**

Учқудуқ Почтаси шўъба корхонасига қарашли автоуловлар:

1. ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 40-72 НВМ автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 112 000 сўм.**
2. ГАЗ-66 русумли, давлат рақами 21 АА 964 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 196 000 сўм.**
3. ДНЕПР-II русумли давлат рақами 79-96 НВБ, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, Томди тумани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига қарашли мотоцикл. **Бошланғич баҳоси — 32000 сўм.**
4. УАЗ-3151201, давлат рақами 23-42 НВА, 1989 йил ишлаб чиқарилган, «Достык-Дружба» газетасига қарашли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 115 000 сўм.**
5. ВАЗ-21074 русумли, давлат рақами 21 АС 855, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, Учқудуқ шаҳар ва туман ДСИ томонидан хатланган автомашина. **Бошланғич баҳоси – 406 000 сўм.**
6. ГАЗ-5201 русумли, давлат раками 64-62 НВА, 1988 йил ишлаб чиқарилган, Учқудуқ ветеринария бўлимига қарашли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси -–135 300 сўм.**
7. КамАЗ-53212 русумли, давлат рақами 45-00 НВН, 1985 йил ишлаб чиқарилган, «Кокпатас» ДГКЭга қарашли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 939 000 сўм.**
8. Зарафшон шаҳр «Янги Зарафшон» ҳудудидан уйжой қуриш учун ҳар бирининг майдони 600 кв.м. бўлган 9 та ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 20 000 сўмдан.**
9. «Самарқандгеология» ДГК Қизилқум қидирув экспедициясига қарашли «Лакомка» кафеси. **Бошланғич баҳоси –3 760 000 сўм.**

2002 йил 14,17 май кунлари Учқудуқ шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида соат 16.00 да бўлиб ўтадиган танлов савдоларига қуйидаги мулк қўйилади:

Томди тумани автошохбекати. **Бошланғич баҳоси – 7 041 600 сўм.**

Объектни танлов савдоларидан сотиб олишнинг шартлари:

1. Сотиб олинган объектнинг олдинги фаолият турини сақлаб қолган ҳолда ишни ташкил этиш;
2. Бош бекатни сотиб олган харидорларнинг мазкур соҳада камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлишлиги;
3. Объектни хусусийлаштиргандан сўнг, унинг фаолиятини маҳаллий ҳокимлик билан келишилган ҳолда ташкил этиш;
4. Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва унинг хизмат кўрсатишини жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш;
5. Хусусийлаштирилган объектни бошқа шахсга ижарага беришда, сотишда маҳаллий ҳокимлик ва Давлат мулки қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга ошириш.

2002 йил 20,22,24 май кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Навоий Электр тармоқлари корхонасига қарашли ғишт цехи. **Бошланғич баҳоси– 3110000 сўм.**
2. Навоий шаҳар Б.Равшанов кўчасидан уй-жой қуриш учун ҳар бирининг майдони 400 кв.м.дан 2 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 475 500 сўм.**
3. Нурота тумани автошохбекати шимолий қисмидан уйжой қуриш учун ҳар бирининг майдони 600 кв.м. бўлган 3 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 37 800 сўмдан.**
4. М-214121 русумли, давлат рақами 28-81 НВА, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, Навоий вилояти хат ташиш корхонасига қарашли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 116000 сўм.**
5. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 21АС 909, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, вилоят Кўчмас мулк кадастри бошқармасига қарашли автомашина. **Бошланғич баҳоси — 769000 сўм.**
6. ДНЕПР-II русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, Нурота тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига қарашли мотоцикл. **Бошланғич баҳоси — 66000 сўм.**
7. М-412 русумли, давлат рақами 41-44 НВА, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига қарашли автомашина. **Бошланғич баҳоси — 120000 сўм.**
8. ЭО-33-22 Б-1 русумли, давлат рақами 35-55-23, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, ПКМК ГМЗ-1 корхонасига қарашли экскаватори. **Бошланғич баҳоси – 650 000 сўм.**
9. Хатирчи тумани Амир Темур ширкат хўжалиги ҳудудидан гўшт дўкони қуриш учун 100 кв.м. ер майдони. **Бошланғич баҳоси – 2 125 сўм.**

Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ташкил этиладиган «Биржа» савдоларига Қизилтепа тумани 5-сонли механизациялашган кўчма колоннаси корхонасига қарашли автотранспорт воситалари қўйилган.

1. КамАЗ-5410 русумли, давлат рақами 21 АВ 755 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси –457 000 сўм.**
2. КамАЗ-5511 русумли, давлат рақами 21 АД 356 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси- 470 000 сўм.**
3. ГАЗ-5312 русумли, давлат рақами 21 АВ 761 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 244 000 сўм.**
4. Тожик-5 русумли, давлат рақами 21 АВ 774 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 344 000 сўм.**
5. ОДАЗ-9370 русумли, давлат рақами 21 А 102 автотиркамаси. **Бошланғич баҳоси – 140 000 сўм.**
6. КамАЗ-5511 русумли, давлат рақами 21 АВ 759 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси – 751 000 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш кўчмас мулклар ва автомототранспорт воситалари бўйича савдо бошланишидан 1 соат, ер майдонлари ва танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: (43622) 4-15-61, 4-64-31.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЦИЦЕРОН – ҚАДИМГИ РИМЛИК СИЁСИЙ АРБОБ, НОТИҚ ВА ФАЙЛАСУФ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 106-43 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

☑ Яшамоқ – фикрлаш демак.
☑ Ақлдан устун ҳеч нарса йўқ.
☑ Ҳеч кимга мен қулларча итоат этмаганман, ҳеч кимга эргашмайман. Кўп нарсаларда мен буюк одамларнинг фикларига ишонаман, нималардадир ўз фикрларимга ҳам суянаман.
☑ Яхши фалсафа: ҳамма нарсага эътироз билдирмоқ ва ҳеч нарса ҳақида аниқ фикр билдирмаслик.
☑ Шубҳали нарсаларни маъқуллашдан ўзини тиядиган файласуфлар доноларча иш тутадилар.
☑ Фалсафа жонни даволаш ҳақидаги фандир, бироқ, унинг ёрдами, тана касалликларига қарши кўмак каби, ташқаридан келмайди, — йўқ, ўзимизни даволаш учун бизнинг ўзимиз барча куч ва воситаларни ишга солмоғимиз шарт.
☑ Худоларнинг борлигига мен эътироз билдирмайман, аммо, ҳар қандай исботлашларга эътироз билдираман.
☑ Табиатга мувофиқ қилинадиган барча нарсалар яхши ҳисобланмоғи лозим.
☑ Инсоннинг ўзи оламни мушоҳада қилиш, фикрлаш ва унга мувофиқ ҳаракат қилиш учун туғилган. У сира комил эмас, у баркамолликнинг қандайдир қисмидир.
☑ Шуни қаттиқ ёдда тутгин: руҳнинг қудрати ва унинг, азоб-уқубатларга нафрат ҳамда менсимасликда алоҳида куч билан намоён бўладиган, мислсиз улуғворлиги, бу — дунёда мавжуд нарсалардан энг гўзалидир, агар у ошкора маъқулланишни ахтармаса ва ўзи ўзидан ҳузур олса, бундан-да гўзалроқдир.
☑ Ҳар бир нарсанинг чинакам моҳияти нимада эканлигини яхши тушунадиган, унинг тамойилини аниқ ва тезроқ ҳам топишга, ҳам тушунтиришга қобилиятли киши, ҳақли равишда, ҳамиша энг ақлли ва энг доно ҳисобланади.
☑ Фалсафа ақл маданиятидир.
☑ Биз қандай бахтли бўлишимиз мумкин дейишдан аввал, дастлаб, табиатнинг моҳияти нимада, биз кимлар эканлигимиз ҳақидаги саволларга жавоб бермоғимиз лозим.
☑ Ўткир ақлли ёки тўмтоқ, кучли ёки заиф бўлиб туғилиш бизга боғлиқ эмаслигини эътироф этаман. Бироқ, бундан ҳатто ўтирмоқ ёки сайр қилмоқ ҳам бизнинг ихтиёримизда эмас, деб хулоса чиқарувчи киши нима ортидан нима келишини кўра олмайди.
☑ Бамисоли танамизнинг қисмларидан, қандай наф учун уларга эгалик қилишимизни билгунга қадар, фойдаланганимиздек, худди шундай, биз, фуқаролик жамиятини барпо этиш учун, табиатдан ўзаро боғланганмиз ва бирлаштирилганмиз. Агар иш бошқача бўлганда эди, унда на адолат, на яхшилик учун ўрин бўларди.
☑ Бизнинг ҳар қандай нарсалар тўғрисида нимани ўйлаётганимизни билишни хоҳлайдиганлар — керагидан ортиқча қизиқувчандирлар.
☑ Нимани эслашни хоҳламасам, шуни унута олмайман.
☑ Очкўз бўлмасликнинг ўзиёқ — бойликдир.
☑ Ёлғон ... ҳақиқат билан яқин қўшнидир.
☑ Эркин бўлиш учун биз қонунларнинг қули бўлмоғимиз лозим.
☑ Бизнинг файласуфлар-чи? Ўлимга нафрат ҳақида китоблар ёзаётиб, биронтаси ҳам уларнинг устига ўз номини битишни ёддан чиқармайди.
☑ Энди, аввалгидай бўлмай қолганингда, ҳаётдан кўнгил узолмасликка сенда сабаблар йўқ.
☑ Одамлар одамларга нажот инъом этган чоғларида, худоларга янада кўпроқ яқинлашадилар.
☑ Бизнинг қўлларимиз бамисоли табиатдаги иккинчи табиатни яратадилар.
☑ Агар туғилгунингга юз берган воқеаларни билмасанг, мангу болакайлигингча қоласан.
☑ Ҳаётда ҳам, нутқда ҳам нимани ўринли эканлигини кўра олишдан қийинроқ нарса йўқ.
☑ Ноҳақ ишда тантана қилгандан, ҳақ ишда азият чекувчи бўлмоқ афзал.
☑ Ҳазилда мўътадил бўлмоқ даркор.
☑ Эҳтиёткорона ҳаракат қилиш, оқилона фикр юритишга қараганда, янада ҳам муҳимроқдир.
☑ Бошқа шоирни ўзидан юқори қўйган шоир ҳеч қачон бўлган эмас.
☑ Аҳмоқлардан биронтасининг бахтли бўлиши мумкин эмас; бебахт бўлган доно йўқ.
☑ Кеча-ю кундуз сени ўлим кутаётганлигини ўйлашга тўғри келадиган ҳаётда қувонч бўлиши мумкинми?
☑ Дарҳақиқат, файласуфлардан қайсидир бири айтмаган яна қандай бемаъниликни айтиш мумкин!
☑ Уятли бўлмаган нарса, оломон уни мадҳ эта бошлаганида, уятли нарсага айланади.
☑ Агар бирон-бир ҳурматга лойиқ нарса бўлса, у бутун ҳаётнинг яхлитлигидир.
☑ Билимларнинг эҳтимолийлиги — мана инсон тафаккурининг ниҳояси.

☑ Дўстлик фақат яхши кишилар ўртасида бўлиши мумкин.
☑ Қоғоз ҳамма нарсага чидайди.
☑ Халқ фаровонлиги — олий қонун.
☑ Қаерда фақат қонуннинг ҳарфи ҳукмронлик қилса, энг кўп ҳуқуқсизлик ўша ерда.
☑ Овозларни ҳисобламайдилар, балки, баҳолайдилар.
☑ Нима эксанг, шуни ўрасан.
☑ Қурол гапирганда, қонунларнинг уни ўчади.
☑ Индамасдан гапирмоқ.
☑ Бундан кимга наф?
☑ Оҳ, замонлар! Оҳ, феъл-атворлар!
☑ Ҳаёт қисқа, аммо, шуҳрат абадий бўлиши мумкин.
☑ Одам қандай бўлса, унинг нутқи ҳам шундай.
☑ Нотиқлик — ақлни ярақлатувчи нур.
☑ Ҳукумат — гапираётган қонун, қонун — сукутдаги ҳукумат.
☑ Доно бўлишнинг ўзи етарли эмас, ундан фойдалана билмоқ ҳам керак.
☑ Азоб-уқубатларни, улар ўтиб кетгандан кейин, эслаш ёқимли.
☑ Одат — иккинчи табиат.
☑ Меҳнат оғриқни босади.
☑ У аввалгидай эди, аммо, аввалгидайлик, энди, унга ярашмасди.
☑ Гирций Цицерондан, Теренция билан ажралишгандан сўнг, унинг синглисига уйланиш нияти борми эканлигини сўраганда, Цицерон: «Мен ҳам хотиним, ҳам фалсафа хусусида бир хил ғамхўрлик қила олмайман» дея, буни қатъий рад этди.
☑ Инсон, кўпинча, ўзи ўзига ёвуз душман.
☑ Чеҳра — қалб кўзгуси.
☑ Шоир бўлиб туғиладилар, нотиқ бўлиб етишадилар.

ЛУКРЕЦИЙ КАР — ҚАДИМГИ РИМЛИК ФАЙЛАСУФ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 99-55 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

☑ Вақт ўтиши билан нарсаларнинг аҳамияти ўзгаради.
☑ Руҳ қувонч-ла кучлидир.
☑ Агар туйғулар ҳаққоний бўлмасалар, унда бизнинг бор ақлимиз ёлғон бўлиб чиқади.
☑ Ҳақиқий ўлимдан кейин сенинг иккинчинг бўлмайди.
☑ Жон тана билан бирга туғилади.
☑ Жонни, танани каби, даволаш мумкин.
☑ Жоннинг табиати номаълум.
☑ Инсон хаёлоти унга журъат этолмайдиган бирон-бир нарса йўқ.
☑ Танҳо ўзи вужудга келадиган ва ўсадиган бирон нарса йўқ.
☑ Ҳаётнинг ақлий негизини кашф қилган — худо бўлган.
☑ Сариқ касалига дучор бўлган киши нимага назар солмасин, ҳамма нарса унга сариқ бўлиб кўринади.
☑ Агар инсоннинг сўлаги илонга тегиб кетса, у ҳалок бўлади.
☑ Ҳукмдорлик қилгандан, итоат этган яхши.
☑ Умри қисқа сўзлар билан абадий нарсаларни ифодалагин.
☑ Тешик кўзани тўлдира олмайсан.

ГОРАЦИЙ — РИМЛИК ДОНИШМАНД, ШОИР. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 65-8 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

☑ Бойликнинг ортиши билан ташвишлар ҳам ортади.
☑ Ўрни келган жойда тентаклик ҳам лаззатли бўлади.
☑ Барчага маълум нарсаларни ўзича ифода этиш қийин.
☑ Ғазаб — қисқа муддатли беақллик.
☑ Бизга тўғрилаш имконияти берилмаган нарсаларга енгил бардош бериш мумкин.
☑ Ким кўп нарсага эришса, унга кўп нарса етишмайди.
☑ Ҳеч ким ўз қисматидан мамнун бўлмайди.
☑ Биз фақат гард ва қўланкамиз.
☑ Агар сенда яхшироғи бўлса, таклиф қил, агар бўлсамаса — итоат қил.
☑ Ақлдан маҳрум куч ўзининг баҳайбатлигидан шундоққина барбод бўлади.
☑ Нарсаларнинг баҳамжиҳатлигида ҳам зиддият мавжуддир.
☑ Ҳеч нимага ҳайрон бўлмаслик ... бахтлилик ва шундай бўлиб қолишнинг деярли бирдан-бир воситаси мана шу.
☑ Арзимаган нарса билан бадавлат кишига яхши.
☑ Ҳар кимса ўзини қанчалик кўп тийса, худолар унга шунча кўп берадилар.
☑ Ҳеч нарсам бўлмагани ҳолда, мен, барибир, ҳеч нимани истамайдиганлар манзилига интиламан.
☑ Ақлли бўлишга журъат қилгин-да, бошла! Ўз ҳаётини яхшилашни пайсалга солиб ўтирган киши дарё бўйида қачон унинг суви оқиб тугашини кутаётган гўл одамга ўхшайди; оққан дарё асрлар оша мангу оқаверади.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 68-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6 турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	25	34	53	50363452.2	50302036.1	**10 ТУР**	**16 ТУР**	**22 ТУР**
72	30	7	44	**6 ТУР**	60079732.1	71	68	48
37	81	27	85	46	90032301.3	Сони: 12	Сони: 430	Сони: 5978
83	12	1	22	15	90249183.1	Сумма: 1700	Сумма: 1000	Сумма: 400
82	66	67	42	Сони: 6	90292457.2	**11 ТУР**	**17 ТУР**	**23 ТУР**
35	Сони: 1	Сони: 2	78	Сумма: 1500000	**8 ТУР**	69	8	17
24	«NEXIA» автомобили Чипта рақами 80278824.1	Сумма: 4500000	32	Чипталар рақами 10172435.1	29	Сони: 20	Сони: 544	Сони: 11156
3		Чипталар рақами 30098045.1	80	30457792.3	Сони: 10	Сумма: 1500	Сумма: 900	Сумма: 300
31		70098325.2	Сони: 2	60073395.2	Сумма: 900000	**12 ТУР**	**18 ТУР**	**24 ТУР**
9		**3 ТУР**	Сумма: 4500000	60096297.2	Чипталар рақами 10194319.1	51	52	18
28		4	Чипталар рақами 40154937.1	90244546.2	20457423.3	Сони: 55	Сони: 1100	Сони: 15787
90		13	90437563.3	90347356.2	30123473.2	Сумма: 1400	Сумма: 800	Сумма: 300
76		73	**5 ТУР**	**7 ТУР**	40009888.3	**13 ТУР**	**19 ТУР**	**Қўшимча тур**
40		88	21	14	50042743.2	10	86	Сони: 527
Сони: 55		38	64	Сони: 8	50182739.2	Сони: 83	Сони: 1526	Сумма: 900
Сумма: 163636		70	Сони: 3	Сумма: 1125000	60105960.3	Сумма: 1300	Сумма: 700	**Халтадан чиқмаган шарлар:**
2 ТУР		75	Сумма: 3000000	Чипталар рақами 30028655.1	60346818.3	**14 ТУР**	**20 ТУР**	**19, 49, 54, 55, 62, 89**
87		26	Чипталар рақами 20061322.3	40324552.3	70311672.1	77	60	
43		2	30229773.1	40366210.1	80368869.1	Сони: 110	Сони: 2571	
33		20			**9 ТУР**	Сумма: 1200	Сумма: 600	
47		59			74	**15 ТУР**	**21 ТУР**	
57		84			Сони: 8	63	6	
5		39			Сумма: 2000	Сони: 257	Сони: 3351	
36		65				Сумма: 1100	Сумма: 500	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 25 апрелдаги 70-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур - NEXIA автомобили
2 тур - NEXIA автомобили
3 тур - NEXIA автомобили
4 тур - NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8 турларда - ҳар бир ютуқка ТЕЛЕВИЗОР
ва кунига пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта берилган захоти "Лаура" ХФ ҳамда берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60. Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

«ЯХШИ НИЯТ» телелотереясини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-каналн орқали намойиш этилади.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 18 апрелдаги 69-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
2 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
3 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
4 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
5 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
6 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
7 ТУР – «МАТИЗ» автомобили,
8 ТУР – «МАТИЗ» автомобили.
Қолган турларда пул ютуқлари.

Чипта баҳоси — 300 сўм

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Пул ютуқлари «Ўзуйжойжамғармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

СПОРТ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Поп шаҳрида белбоғли кураш бўйича ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди. Беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан юз нафардан ортиқ полвон қатнашди.

Ўнта вазн тоифасида ўтказилган мусобақада Исроил Умаров (46кг.), Рустам Умаров (50кг.), Музаффар Соибоев (55кг.), Дониёр Абдураимов (60кг.), Дониёр Аскаров (65кг.), Асил Эгамбердиев (71кг.), Султонали Турдиев (77кг.), Ҳасанбой Умаров (83кг.), Араббой Ходиматов (90кг.), Мансур Бахромов (+90кг.)лар ғолиб чиқишди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида дзюдо бўйича «А» туркумига кирувчи халқаро турнир якунланди. Мусобақада ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Вакилларимиздан ўз вазн тоифаларида И.Нуруллаев (90кг.) олтин, Ў.Саломов (100кг.), Х.Назаров(мутлақ)лар кумуш, Л.Йўлдошев (81кг.), Х.Назаров (+100кг.)лар бронза медалларини қўлга киритдилар.

■ **Гулистон СОДИҚОВА, талаба**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq —	133-44-55
Iqtisodiyot —	133-76-04
Ma'naviyat —	133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar —	133-12-56,
Axborot —	136-55-16
Kotibiyat —	133-72-83
Reklama va e'lonlar —	133-38-55, 133-47-80
Faks —	133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —	25-16-16
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-03-80
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	3-39-20
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-12
Samarqandda —	35-20-54
Toshkentda —	136-57-20
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Qarshida —	4-61-35
Termizda —	3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA